

# НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ҲУҚУҚ  
СОЛИҚЛАР  
БУХГАЛТЕРИЯ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган, ҳафтада бир марта чоп этилади

## Янги ҳужжатларни тақдим этамиз

Тақдим этилаётган, шунингдек сўнги пайтда қабул қилинган бошқа ҳужжатларнинг тўлиқ матни билан «Norma» АҚТ ва [norma.uz](http://norma.uz), [nrm.uz](http://nrm.uz) сайтларида танишиб чиқишингиз мумкин.



## Тадбиркорларга бизнес асослари ўргатилади

Президентнинг 18.04.2017 йилдаги ПҚ-2897-сон қарори билан Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат кўмитаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари маъқулланди.

Давлат кўмитаси тузилмасида ҳудудий филиаллар билан биргаликда Тадбиркорлик фаолияти асосларини ўқитиш республика маркази ташкил этилди. Соҳадаги қатор вазирлик ва идоралар, шунингдек банklar, Савдо-саноат палатаси ўқув курсларини ўтказишда фаол иштирок этадилар. Республика туманларида хусусийлаштирилган объектлар негизда лойиҳаларни амалга ошираётган тадбиркорлар учун ўқув курслари ташкил этилади.

Қарор билан маъқулланган 2017–2018 йилларда хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашишнинг «йўл хариталари»ни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш чора-тадбирлари дастури куйидаги элементларни ўз ичига олади:

➢ хусусийлаштирилган корхоналар ва объектларнинг маълумотлар базасини яратиш (1.01.2018 йилга қадар фойдаланишга жорий қилинади);

➢ хусусийлаштирилган корхоналар фаолияти кўрсаткичларини таҳлил қилиш; ➢ хусусийлаштирилган корхоналарнинг ишлаб чиқариш фаолиятини тиклаш, кенгайтириш ва самарадорлигини ошириш бўйича «йўл хариталари»ни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

➢ тадбиркорларни ўқитишни ташкил этиш;

➢ ташкилий чора-тадбирлар.



## Тиббиёт буюмларини ишлаб чиқарувчилар учун янги имтиёзлар

Президентнинг 20.04.2017 йилдаги ПҚ-2911-сон қарори билан республика фармацевтика саноатини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари қабул қилинди.

Биринчидан, ҳисобот даври якунлари бўйича тиббиёт буюмларини ишлаб чиқаришдан олинмайдиган тушум улуши умумий реализация ҳажмининг камида 60%ини ташкил этадиган шундай буюмлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган ташкилотлар 1.01.2021 йилга қадар фойда солиғи

ва мол-мулк солиғи (микрофирмалар ҳамда кичик корхоналар – ЯСТ), шунингдек Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар тўлашдан озод қилинди.

Иккинчидан, 1.01.2021 йилга қадар дори воситаларини ишлаб чиқариш учун мўлжалланган хом ашёни импорт қилишда ундириладиган божхона тўлови ва акциз солиғига Солиқ кодекси 211-моддасининг 6-бандида назарда тутилган ҚҚС бўйича имтиёз татбиқ этилди.

Бундан ташқари, мамлакатимиз ишлаб чиқарувчиларини қўллаб-қувватлаш чоралари сифатида импорт қилишда Солиқ кодекси 211-моддасининг 6-бандида назарда тутилган қўшилган қиймат солиғи бўйича имтиёз жорий этилмайдиган дори воситалари Рўйхатига (25.02.2011 йилдаги 49-сон ВМҚга 1-илова) тиббиёт буюмлари киритилади, Рўйхат эса ҳар чоракда янгиланган борилади.



## НОРМАТИВ ЛОЙИҲАЛАР

### Улгуржи савдога лицензиянинг бекор қилиниши режалаштирилмоқда

Ишбилармонлик муҳитини яхшилаш ва тадбиркорлик ташаббусини ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш бўйича қўшимча чора-тадбирларга доир Президент Фармони лойиҳаси ишлаб чиқилди. Савдо-саноат палатаси [chamber.uz](http://chamber.uz) сайтида лойиҳа муҳокамасида иштирок этишга таклиф қилади.

Лойиҳага ваколатли органлар ва тадбиркорлик субъектларининг ўзаро муносабатларига жорий қилиш таклиф этилаётган бир неча механизмлар киритилган, хусусан:

1) инвестицияларни замонавий технологик ускуналар шаклида жалб этадиган корхоналар томонидан хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарга нисбатан амал қилаётган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича имтиёзларнинг қўлланилиши;

2) кейинчалик тадбиркорлик субъектларига имтиёзли шартларда бериш билан давлат органлари ва ташкилотлари тасарруфидаги бўш ётган бинолар (хоналар) тўғрисидаги маълумотларни Интернетга жойлаштириш;

3) хусусий ташкилотларга тадбиркорлик субъектларини электр ва газ тармоқларига фойдаланишга тайёр ҳолда улаш ишларини бажаришда иштирок этиш имкониятининг берилиши;

4) маҳаллий маҳсулотларни экспорт қилувчи корхоналар томонидан ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотни экспорт қилувчи корхоналар учун амал қиладиган солиқ имтиёзларининг қўлланилиши;

5) олиб келинадиган ҳамда серияли ишлаб чиқаришда ишлатиладиган хом ашё, материаллар ва бутловчи буюмлар учун мувофиқлик сертификатининг 3 йил муддатга берилиши;

6) тадбиркорлик субъектларининг тўқимачилик тармоғи лойиҳалари қурилиши даврида тўқимачилик маҳсулоти ишлаб чиқариш бошланғунига қадар банк кредитлари бўйича фоизларни тўлашдан озод этилиши;

7) савдо-воситачилик корхоналарининг норезидентлар билан товарларни чет эл валютасида етказиб беришга тузилган шартномаларига маълумотларни ТСОЯЭАТга (Ташқи савдо операцияларининг ягона электрон ахборот тизими) киритган ҳолда экспорт контрактлари мақоми берилиши.

Лойиҳа ишлаб чиқувчиларининг

фикрича, ишбилармонлик муҳитининг жадал ривожланишини секинлаштираётган куйидаги айрим дастакларни бекор қилиш таклифи киритилди (тахминан, жорий йилнинг 1 июлидан):

1) улгуржи савдонини амалга ошириш бўйича фаолиятни лицензиялаш;

2) ваколатли орган томонидан лойиҳани амалга ошириш имкониятини таклиф этилаётган маркетинг концепцияси, жаҳон бозори конъюнктураси нуқтаи назаридан тайёр маҳсулотни сотиш истикболлари асосида баҳолаш, шунингдек олиб қилинган товарнинг белул техник ҳамкорлик (грант) лойиҳалари рўйхатига киритилган лойиҳани амалга ошириш доирасида техник ҳамкорлик тоифасига мансублиги тўғрисида хулосалар берилиши;

3) импортчилар томонидан божхона тўловлари бўйича имтиёзларни қўллаган ҳолда олиб қилинадиган товарларнинг божхона қийматини тасдиқлаш учун экспорт БЮДнинг мажбурий тақдим этилиши;

4) божхона органлари томонидан «вақтинчалик олиб кириш» божхона режимида жойлаштирилган товарларни реэкспорт қилишга рухсатнома берилиши;

5) қимматбаҳо металллар, қотишмалар, улардан ясалган буюмлар, рудалар, концентратлар, металл парчалари ва чиқиндилари, қимматбаҳо табиий тошлар, марварид, кахрабо ҳамда улардан ясалган буюмлар экспорти ва импортини лицензиялаш.

Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш тазмилларини мураккаблаштириш ва янги мажбуриятлар юклаш назарда тутилмайдиган ёки уларнинг жавобгарлигига доир янги меъёрларни белгилайдиган қонун ҳужжатлари лойиҳаларини Бош прокуратура ва Савдо-саноат палатаси билан мажбурий тартибда келишиш таклиф этилмоқда.

Лойиҳага ўзгартиришлар, қўшимчалар киритилиши ёки у рад этилиши мумкин.

Олег Заманов, «Norma Online» эксперти.



Ушбу сонда:

3-БЕТ

Нотуруар жойни бериш шартномаси нотариал тасдиқланганда божнинг ставкаси қанча бўлади?

4-БЕТ

3 ойлик стажга эга ходим учун нафақа

8-БЕТ

Ўриндошни бошқа ишга ўтказиш қандай расмийлаштирилади



## Янги ҳужжатларни тақдим этамиз

### Мамлакатимизда 7 та янги эркин иқтисодий зона ташкил этилди

Президентнинг 3.05.2017 йилдаги ПФ-5032-сон Фармонида мувофиқ Ўзбекистонда «Нукус-фарм» ЭИЗ, «Зомин-фарм» ЭИЗ, «Косонсой-фарм» ЭИЗ, «Сирдарё-фарм» ЭИЗ, «Бойсун-фарм» ЭИЗ, «Бўстонлиқ-фарм» ЭИЗ ва «Паркент-фарм» ЭИЗ ташкил этилади.

ЭИЗларнинг фаолият кўрсатиш муддати, кейинчалик узайтириш имконияти билан 30 йилни ташкил қилади. Уларнинг ҳудудларида алоҳида солиқ, божхона ва валюта режимлари амал қилади.

Ҳужжат билан уларнинг асосий вафизалари белгиланди.

Президентнинг «Эркин иқтисодий зоналар фаолиятини фаоллаштириш ва кенгайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонида (26.10.2016 йилдаги ПФ-4853-сон) назарда тутилган имтиёзлар янги тузилган ЭИЗлар иштирокчиларига татбиқ этилади.

Бундан ташқари, доривор ўсимликлар хом ашёсини етиштириш бўйича плантациялар ташкил этиш учун ҳўжалик юритувчи субъектлар ва фермер ҳўжаликларига, гаров таъминоти етарли бўлмаган ёки

мавжуд бўлмаган ҳолларда, тижорат банклари томонидан технологик ускуналарни лизингга етказиб берилишини таъминлашга кредитлар ажратилади.

ЭИЗлар ҳудудларида ёввойи ўсимликлардан тайёр фармацевтика маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи ёки ЭИЗ билан тузилган шартномалари бўлган ташкилотлар ва жисмоний шахслар «Қизил китоб»га киритилмаган ҳамда ҳар йили Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан тасдиқланадиган ёввойи ҳолда ўсадиган ўсимликлар рўйхатига киритилган ёввойи ўсадиган ўсимликлар тайёрлагани (тўплагани) учун табиий муҳитдан олинган ёввойи ўсимликлар (яланғоч қизилмиядан ташқари)га белгиланган тўловларнинг 50%и миқдорда тўлов тўлайди.



### МДҲ ВА БОЛТИҚБҲҲИ МАМЛАКАТЛАРИ ВАЛЮТАЛАРИНИНГ АҚШ ДОЛЛАРИ, ЕВРО ВА РОССИЯ РУБЛИГА НИСБАТАН КУРСЛАРИ

Мамлакат	Сана	АҚШ доллари		Евро		Россия рубли	
		бирлиги	курси	бирлиги	курси	бирлиги	курси
Озарбайжон	15.05.2017	1	1,7025	1	1,8609	1	0,0300
Арманистон	12.05.2017	1	484,17	1	526,44	1	8,46
Беларусь	15.05.2017	1	1,8733	1	2,0347	100	3,2749
Грузия	15.05.2017	1	2,4415	1	2,6537	100	4,2775
Қозғистон	15.05.2017	1	315,5	1	342,98	1	5,51
Қирғизистон	16.05.2017	1	67,7700	1	74,1743	1	1,1989
Молдова	15.05.2017	1	18,6743	1	20,3083	1	0,3263
Россия	16.05.2017	1	56,5258	1	61,8449	—	—
Тожикистон	15.05.2017	1	8,4995	1	9,2424	1	0,1519
Туркменистон	15.05.2017	1	3,5000	1	3,8245	100	6,1357
Украина	15.05.2017	100	2 647,4312	100	2 879,3462	10	4,6313

Марказий (миллий) банкларнинг расмий сайтлари маълумотлари асосида.

### ХОРИҲИЙ ВАЛЮТАЛАРИНИНГ СЎМГА НИСБАТАН ҚИЙМАТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қийматини белгилади.\*

	11.05.2017 й.	16.05.2017 й.
1 Австралия доллари.....	2773,11	2803,09
1 Англия фунт стерлинги.....	4876,30	4888,73
1 Дания кронаси.....	551,47	556,73
1 БАА дирҳами.....	1025,37	1032,05
1 АҚШ доллари.....	3765,77	3790
1 Миср фунти.....	208,63	209,16
1 Исландия кронаси.....	35,57	36,41
1 Канада доллари.....	2748,14	2770,47
1 Хитой юани.....	545,37	549,36
1 Малайзия ринггити.....	866,69	874,68
1 Польша злотийси.....	969,71	983,14
1 СДР.....	5146,87	5175,29
1 Туркия лираси.....	1039,06	1062,04
1 Швейцария франки.....	3742,19	3785,84
1 ЕВРО.....	4118,35	4125,29
10 Жанубий Корея вони.....	33,20	33,71
10 Япония иенаси.....	31,32	33,24
1 Россия рубли.....	64,33	66,3
1 Украина гривнаси.....	142,05	143,16

\* Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маъмурият вақтинчалик ҳисоботларни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

Тахририят аноним хатларга муносабат билдирмасликка, қонун ҳужжатларида белгилангандан ташқари ҳолларда респондентнинг хоҳишига кўра у ҳақдаги ахборотни учинчи шахсларга бермасликка ҳақли.

### Меҳнат муҳофазаси аудити режали текширувлардан халос қилади

Вазирлар Маҳкамасининг 27.04.2017 йилдаги 246-сон қарори билан бошқа низомлар қатори Ташкилотлардаги меҳнатни муҳофаза қилиш тизимида аудит ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом ҳам тасдиқланди. Ҳужжат Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўпламининг 1.05.2017 йилдаги 17-сонда расман эълон қилинган кундан 3 ой ўтгач кучга киради.

Ташкилотларда иш берувчининг қарорига биноан, меҳнатни муҳофаза қилиш тизимининг ҳолатини баҳолаш учун меҳнатни муҳофаза қилишни бошқариш тизимининг аудити ўтказилади («Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 15-моддаси). Аудит меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги хизматлар бозорининг профессионал иштирокчилари («меҳнатни муҳофаза қилиш аудитини ўтказиш» хизматлари

турлари бўйича Ягона реестрга киритилганлар) томонидан шартнома асосида амалга оширилади.

Эслатиб ўтамоқчи, ўтган йилнинг сентябрь ойида «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг янги тахрири қабул қилинган (24.12.2016 йилдан кучга кирган). Қонун янгиликларидан бири меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги хизматлар бозори профессионал иштирокчиларининг пайдо бўлиши бўлди.

Буюртмачи корхоналарга нисбатан меҳнат муҳофазасининг аудитини амалга оширувчи ташкилотлар тармоқ, идоравий ва молиявий мустақилликка эга бўлиши керак.

Меҳнатни муҳофаза қилиш тизими аудитининг номувофиқлик тўғрисидаги ҳулосалари ва уларни тасдиқлайдиган далиллар ёзма шаклда келтирилади. Бунда номувофиқликлар муҳим ва кўп ҳим бўлмаган турларга бўлинади:

Муҳим номувофиқликларнинг мезонлари	Муҳим бўлмаган номувофиқликларнинг мезонлари
Ходимларнинг соғлиги ва хавфсизлиги учун йўл қўйиб бўлмайдиган хавф	Меҳнатни муҳофаза қилиш ва хавфсизлигини таъминлаш бўйича қўйилган талабларни бажаришдаги нуқсонлар
Ташкилотнинг ташкилий тузилмасида ўзгаришлар келтириб чиқарадиган, катта моддий харажатлар талаб қиладиган, мутахассисларни узоқ муддатда (2 ойдан ортиқ) тайёрлашни кўзда тутидиган, меҳнатни муҳофаза қилишни бошқариш тизимида жиддий таъсир кўрсатадиган даражада меҳнатни муҳофаза қилиш талабларидан узоқлашиш	Ходимларнинг соғлиги ва хавфсизлиги учун йўл қўйиб бўлмайдиган хавф-хатарлар ҳисобланмаган, ташкилотнинг ташкилий тузилмасида ўзгаришлар ва катта моддий харажатлар талаб қилмайдиган ҳамда аудит гуруҳининг фаолияти мобайнида ёки номувофиқлик аниқланган пайтдан бошлаб 2 ой мобайнида бартараф этиш мумкин бўлган, белгиланган меҳнат муҳофазасини бошқариш тизими талабларидан узоқлашиш бўйича номувофиқликлар

Аниқланган барча номувофиқликлар (ҳар бир номувофиқлик бўйича алоҳида) номувофиқликлар протоколларида қайд этилади ва меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари бўйича техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талаблари билан солиштирилади.

Аудит натижаларига кўра ҳисобот тузилади, унинг асосида меҳнатни муҳофаза қилишни бошқариш тизимининг амалдаги мезонларга мувофиқлик даражасини баҳолашни ўз ичига олган далолатнома тузилади. Шунингдек далолатнома аниқланган

камчиликларни бартараф этишга йўналтирилган, ишлаб чиқаришдаги жароҳатдан ва касбий касалланишдан оғоҳлантирувчи таклиф ва тавсияларни ўз ичига олади.

Меҳнатни муҳофаза қилиш аудити ўтказилган ва унинг натижаларига кўра аниқланган барча камчиликлар бартараф этилган (ёки камчиликлар аниқланмаган) ташкилотлар, кейинги 3 йил мобайнида меҳнатни муҳофаза қилиш талабларига риоя этилиши бўйича давлат назоратини амалга ошириш мақсадида ташкилотларда ўтказиладиган режали текширишлар рўйхатига киритилмайди.

Олег Заманов, «Norma Online» эксперти.

### УШБУ СОНДА

#### • ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

- Янги ҳужжатларни тақдим этамиз
- Бизнес-омбудсман ҳимоя қилади
- Валюталар курси

1-3-бетлар

#### • НОРМАТИВ ЛОЙИХАЛАР

- Улғурчи савдога лицензиянинг бекор қилиниши режалаштирилмоқда

1-бет

#### • ҲЎЖАЛИК ЮРИТИШ ҚОИДАЛАРИ

- Давлат божи ортиқча тўланганда уни қандай қайтариш мумкин?
- Хизматлар ҳақи чет эл валютасида тўланганда
- Зарарни тўлаш ҳуқуқи

- Муқофотни ҳисоблашда суд харажатлари инобатга олинмайди
- Кўчма савдога рухсатнома
- Узаро талабларни ҳисобга ўтказиш
- Дивиденд олиш учун рўйхатга тушишга улғуринг

3-6-бетлар

#### • КАДРЛАР БЎЛИМИ

- Тиббий курик: иш берувчи ва ходимнинг мажбуриятлари
- Ходимни вақтинча ишга оламоқ
- Декрет стажи — 3 йилдан ортиқ эмас
- Уриндошни ўтказиш: расмийлаштириш вариантлари

7-8-бетлар

«Норма маслаҳатчи» газетасида эълон қилинган материалларни тўлиқ ёки қисман кўчириб бериш, электрон ва бошқа манбаларда қўлайтириш, тарқатишга фақат «NORMA» gazetalarini birlashgan tahririyati» МЧЖ билан тузилган шартнома асосида йўл қўйилади.

ҚОНУНЧИЛИКДАГИ  
ЯНГИЛИКЛАР

## Бизнес-омбудсман ҳимоя қилади

Президентнинг 5.05.2017 йилдаги ПФ-5037-сон Фармони билан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурда Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил институти таъсис этилди.

Бизнес-омбудсманнинг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгиланди:

➤ тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасида давлат сиёсатини шакллантириш ва амалга оширишда иштирок этиш;

➤ давлат органлари, ҳуқуқчи муҳофаза қилувчи ва назорат қилиш идоралари, шу жумладан, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш;

➤ тадбиркорлик субъектларининг фаолияти текширилаётганда уларни ҳуқуқий қўллаб-қувватлаш;

➤ тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари нормалари ва талабларининг амалда рўйбга чиқарилаётганлигини ўрганиш;

➤ қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг тадбиркорлик фаолияти амалга оширилишига таъсири самарадорлигини баҳолаш;



➤ тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқий кафолатларини мустаҳкамлашга, уларнинг ривожланишини рағбатлантиришга қаратилган қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан таклифлар тайёрлаш.

Унга анча кенг доирадаги ваколатлар берилди. Улар жумласида давлат органлари ишини уларнинг бизнес билан муносабатларига тааллуқли бўлган статистик, таҳлилий ва бошқа ахборотларни сўраб олиш воситасида мониторинг қилиш бор. Шунингдек у тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқларига риоя қилиш бўйича қонун ҳужжатларининг бузилиши мумкин эмаслиги тўғрисида мансабдор шахсларни ёзма равишда огоҳлантириши ва уларнинг раҳбарларига аниқланган қонунбузилиш ҳолатларини, уларга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартаараф этиш тўғрисида тақдимномалар киритиши мумкин. Зарур бўлган ҳолатларда, бизнес-омбудсман тадбиркорлик субъектлари манфаатларини кўзлаб судларга давлат божини тўламасдан аризалар ва даъволар билан мурожаат қилади.

Олег Заманов,  
«Norma Online» эксперти.

Ташкилотимиз турар жойнинг 1-қаватида жойлашган нотурар жойининг бир қисmini сотиб олиш мақсадида 16.10.2015 йилда қурувчи билан инвестиция шартномасини тузди. Сотиб олинаётган жой майдони – 224,83 кв.м (кейинчалик тузилган нотурар жойни бериш шартномасида объектнинг кадастр ҳужжатларига биноан 249 кв.м деб кўрсатилган), қиймати – 1 598 933 000 сўм. Нотариус бизнинг шартномамизни Давлат божни ставкаларининг 4-банди «д» кичик бандида назарда тутилган баҳоланадиган бошқа шартномаларга киритиб, шартнома суммасининг 1% миқдоридан – 15 989 330 сўм ундирди. Фикримизча, давлат божини 1 кв.м майдон учун энг кам иш ҳақининг 1% миқдоридан, яъни Ставкаларнинг 4-банди «б» кичик бандига кўра ундиретиш керак эди, унда квартиралар (квартираларнинг бир қисми), шу жумладан хусусийлаштирилган квартиралар (квартираларнинг бир қисми), турар жойлар (уйларнинг бир қисми), дала ҳовлилар, гаражлар, бошқа бинолар, иншоотлар ва иморатларнинг олди-сотди, алмаштириш, рента олиш, умрбод таъминлаш шартли билан бошқаларга бериш ва ҳада қилиш шартномаларини тасдиқлаш ҳақида сўз боради.

Нотурар жойни бериш шартномаси нотариал тасдиқланганда уни Давлат божни ставкалари 4-бандининг қандай кичик бандига кўра тўлашимиз керак эди?

Д.Носиров.



## Давлат божни ортиқча тўланганда уни қандай қайтариш мумкин?

– Хатингиздан кўринишича, сиз билан қурувчи ўртасида турар жой қурилишига инвестицион ҳисса қўшиш тўғрисида шартнома тузилган. Ҳисса суммаси 1 598 933 000 сўмини ташкил этган ва сиз томонингиздан ўз вақтида киритилган. Уй қурилиши якунланганда, унинг таркибидан инвестицияланган объект (224,83 кв.м майдонга эга нотурар жой) ҳам бор, томонлар бошқа шартнома – ушбу объектни бериш шартномасини тасдиқлаш учун нотариал идорага мурожаат қилганлар.

### Инвестор ҳуқуқида...

«Инвестиция фаолияти тўғрисида»-ги Қонунга мувофиқ:

➤ инвесторлар – уларга Ўзбекистон резиденти бўлган юридик шахслар ҳам қиради (9-моддаси 1-қисми 2-хатбошиси), буюртмачи (маблағ киритувчи), кредитор, **сотиб олувчи** сифатида иш юритиши, шунингдек инвестиция фаолияти иштирокчиси вазифаларини бажариши мумкин (9-модда 2-қисми);

➤ инвестицияларни амалга ошириш шаклларида бири **қонун ҳужжатларига мувофиқ** мулк ҳуқуқини олиш ҳисобланади (5-модда 1-қисми 5-хатбошиси).

Мулк-мулк олиш-сотиш, айирбошлаш, ҳада қилиш шартномалари ҳамда қонун билан тақиқланмаган бошқа битимлар асосида мулк қилиб олиниши мумкин (ФКнинг 184-моддаси 1-қисми).

### ... ва шартномага кўра

Чунончи, олди-сотди шартномаси бўйича сотувчи товарни сотиб олувчига мулк қилиб топшириш мажбуриятини, сотиб олувчи эса бу товарни қабул қилиш ва унинг учун белгиланган пул суммаси (баҳоси)ни тўлаш мажбуриятини олади (ФКнинг 386-моддаси 1-қисми). Шартнома предмети бўлиб, агар қонунда бошқача ҳол белгиланган бўлмаса, эки у товарнинг хусусиятидан келиб чиқмаса, уни тузиш пайтида сотувчида мавжуд бўлган товар, шунингдек **келажакда** сотувчи **яратадиган** эки олади-ган **товар** (бўлажак ашёнинг олди-сотди шартномаси) ҳисобланиши мумкин (ФКнинг 387-моддаси 1-қисми).

Айрим турдаги олди-сотди (шу жумладан кўчмас мулкни сотиш) шартномаларига нисбатан, агар ФКнинг бу турдаги шартномаларга доир қоидаларида

бошқача ҳол назарда тутилган бўлмаса, олди-сотди ҳақидаги умумий қоидалар (ФКнинг 29-боби 1-параграфи) қўлланади (ФКнинг 386-моддаси 6-қисми). Кўчмас мулкни сотиш шартномаси тўғрисидаги қоидаларда (ФКнинг 29-боби 7-параграфи) бошқача ҳол назарда тутилмаганлиги сабабли сотувчининг кўчмас мулкка бўлган мулк ҳуқуқи унинг олди-сотди шартномасини тузиш санасида рўйхатдан ўтказилмаган, бироқ шартларига кўра келгусида унда юзага келади (бўлажак кўчмас ашёнинг олди-сотди шартномаси) кўчмас мулкнинг (масалан, ҳали барло этилмаган) олди-сотди шартномасини тузиш имконини берувчи олди-сотди тўғрисидаги умумий қоидалар қўлланилади.

### Битим хусусияти

Айни пайтда шуни инобатга олиш лозимки, кўчмас мулкка бўлган мулк ҳуқуқининг сотиб олувчига ўтганлигини рўйхатдан ўтказиш учун (ФКнинг 8-моддаси 3-қисми, 84-моддаси 1-қисми ва 481-моддаси 1-қисми) сотувчи унга бўлган мулк ҳуқуқига эга бўлиши керак.

Шу сабабли кўчмас мулк объектларини қуриш эки реконструкция қилишни **молиялаштириш соҳасида инвестиция фаолияти** билан боғлиқ шартномаларни, агар уларда бошқача ҳол белгиланмаган бўлса, **бўлажак кўчмас ашёнинг олди-сотди шартномалари** сифатида баҳолаш лозим. Бунда инвестициялар тўғрисидаги қонун ҳужжатлари қоидаларини (хусусан, Қонуннинг 10-моддасини) қурилишни фақат молиялаштирувчи шахсларга уларнинг ҳисобига кўтарилаётган кўчмас мулкка бўлган мулк ҳуқуқини (шу жумладан улушли мулк ҳуқуқини) бериш маъносидан талқин қилиб бўлмаслигини инобатга олиш даркор.

Сизнинг ҳолатда айни товарнинг (турар жой таркибидан 224,83 кв.м майдонга эга нотурар жойнинг) олди-сотди шартномаси (гарчи турар жой қуришга инвестицион ҳисса деб номланган бўлса ҳам) тузилган, қурувчи (сотувчи) уни бундэ этиши бўлажак даврга тўғри келган.

Бироқ, юқорида баён этилганлардан келиб чиқишича, кўчмас мулк объектларига бўлган мулк ҳуқуқи, ФКнинг 185-моддаси қоидаларига кўра, яъни сотиб олувчининг ушбу ҳуқуқи давлат рўйхати-

дан ўтказилган пайтдан бошлаб бўлажак кўчмас ашёнинг олди-сотди шартномасини тузган шахсларда юзага келади (шу жумладан инвестиция фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бу хил шартномаларга татбиқ этилган ҳолларда).

Сиз ва қурувчи нотурар жойни бериш деб номланган иккинчи шартнома, башарти ҳар бирингиз буни талаб қилмаган бўлсангиз, мажбурий нотариал тасдиқланиши керак эмас эди (ФКнинг 110-моддаси 2-қисми\*).

Ушбу шартнома қандай номланишига қарамай, у, шубҳасиз, ҳақ эвазига тузилган ҳисобланади ва нотурар жой ўрнига унинг мулкдорига пул эквивалентини берганлигингиз сабабли олди-сотди битими тусига эга, унинг асосида ушбу объект бошқа шахсга берилган.

### Ставканинг ставкадан фарқи бор

Шартномангизни тасдиқлаган нотариус давлат божини ҳисоблаб чиқаришда, фикримизча, Давлат божни ставкаларининг (ВМнинг 3.11.1994 йилдаги 533-сон қарори билан тасдиқланган) 4-банди «д» кичик бандини нотўғри қўллаган. Шу сабабли уни шартнома суммасининг 1% миқдоридан – 15 989 330 сўм тўлагансиз. Айни ушбу ҳолатда турар жойлар, хусусан, **бошқа** (яъни **нотурар**) жойларнинг олди-сотди ва ўзгача шаклда бошқа шахсга бериш шартномаларини тасдиқлаганлик учун 1 кв.м майдон учун ЭКИХнинг 1% миқдоридан давлат божни ундирлиши (тўланиши) зарурлигини назарда тутувчи Ставкаларнинг 4-банди «б» кичик банди 3-хатбошиси қўлланиши лозим эди. Демак, ушбу тўловни 372 939,75 сўм (149 775 сўм (ЭКИХ) x 1% / 100 x 249 кв.м) миқдоридан тўлашингиз керак эди.

Юқорида баён этилганлар асосида ортиқча тўланган сумма қисмида давлат божини қайтаришга юридик асосингиз бор деб ҳисоблаймиз. Уни қайтариш учун Токент шаҳар адлия бошқармасига ариза билан мурожаат қилишни тавсия этамиз (Солиқ кодексининг 342-моддаси 1-қисми 1-банди ва 3-қисми).

Давлат божининг ортиқча тўланган қисмини қайтаришдан бош тортсалар, юқори турувчи орган (Адлия вазирлиги), прокуратура органлари эки судга бунинг устидан шикоят қилишга ҳақлисиз.

Камол Музаффаров,  
«Norma Online» етакчи эксперти.

\*Қонун мақомига эга бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг биронтасида бир юридик шахснинг бошқасига нотурар жойни сотишини нотариал тасдиқлаш мажбурияти қайд этилмаган.

## Хизматлар ҳақи чет эл валютасида тўланганда



*Корхона жисмоний шахс – Ўзбекистон Республикаси норезиденти билан у хизматлар кўрсатиши (консалтинг) учун шартнома тузмоқчи. У хизматларни Тошкентда 2 ҳафта давомида кўрсатади. Шартномадаги сумма чет эл валютасида кўрсатилган. Ижрочи уни чет элдаги ҳисоб-китоб счётига ўтказиб беришни сўраяпти. Норезидент жисмоний шахснинг чет эл банкидаги счётига ўтказиш йўли билан консалтинг хизматларига чет эл валютасида ҳақ тўлаш тўғри бўладими?*

**А.Сагдеева,**  
юрисконсулт.

– **Ҳа, бундай ҳақ тўлаш тўғри бўлади.**

Сиз фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартнома асосида консалтинг хизматларини импорт қиласиз\*. Норезидент жисмоний шахс бир марталик тартибда хизматлар кўрсатади. Ушбу муносабатлар аввало ФКнинг «Ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш» 38-боби нормалари билан тартибга солинади.

Экспорт-импорт операцияларига келсак, тўловларнинг асосий шакллари ҳужжатли аккредитивлар, банк жўнатмаси ва инкассо ҳисобланади (20.04.1994 йилдаги ПФ-837-сон Фармон билан тасдиқланган Низомнинг 13-банди). Бинобарин, олинган (олинадиган) хизматлар кўринишидаги импорт операциялар ҳақи сифатида банк жўнатмасидан фойдаланишингиз мумкин. Бу чет эл валютасини ижрочининг чет эл банкидаги счётига ўтказишингизни аниқлатади.

Ушбу тўлов амалга оширилиши тўғрисидаги қуйидаги ҳуқуқий нормалар қўшимча равишда тасдиқлайди.

Резидент юридик шахсларнинг ЎзР ҳудудидаги ва-

колатли банклардаги валюта ҳисобварақларидаги чет эл валютасидаги маблағлари улар томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ мустақил равишда фойдаланилади («Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги Қонуннинг 16-моддаси 2-қисми). Бундай шахсларнинг валюта ҳисобварақларидаги маблағлар ҳисобварақ эгасининг топшириғига кўра жорий ҳалқаро операцияларни амалга ошириш билан боғлиқ тўловлар бўйича ўтказилиши мумкин (АВ томонидан 22.10.1998 йилда 511-сон билан рўйхатдан ўтказилган Тартибнинг 2.4-банди «а» кичик банди). Бундай операцияларга, хусусан, ташқи савдо, бошқа жорий фаолият олиб борилиши, шу жумладан, хизматлар кўрсатилиши муносабати билан тўланиши зарур барча тўловлар кирди («Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги Қонуннинг 7-моддаси 1-қисми 2-хатбошици).

Биржадан ташқари валюта бозорида хорижий валютани харид қилиш ва сотиш операцияларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомнинг (ВМнинг

10.07.2001 йилдаги 294-сон қарорига 2-илова) 2-банди «в» кичик банди ҳам хизматлар импортига чет эл валютасида ҳақ тўлаш мумкинлигини далолат беради. Унга мувофиқ, товарлар ва хизматларни импорт қилиш учун биржадан ташқари валюта бозорида чет эл валютасини харид қилиш операциялари амалга оширилади. Ушбу норманинг моҳияти импорт қилинган хизматлар ҳақи сифатида резидентнинг счётидан норезидентнинг счётига чет эл валютасини банк орқали ўтказишга йўл кўйилишини кўрсатади.

Норезидент хизматларига ҳақ тўлашда солиқ суммасини чегирган ҳолда унга пул маблағларини ўтказиш зарур. Норезидент жисмоний шахсларнинг Ўзбекистондаги манбалардан олинган даромадларига солиқ солинади (Солиқ кодексининг 168-моддаси). Фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартномалар бўйича олинган даромадларга тўлов манбаида чегирмаларсиз 20%лик ставка бўйича солиқ солинади (Солиқ кодексининг 182-моддаси 1-қисми 4-хатбошици). Бунда ижрочингиз резиденти ҳисобланган давлат билан ЎзР тузган ҳалқаро шартнома (у мавжуд бўлган тақдирда) қоидаларини ҳам инобатга олиш лозим, сабаби уларда ЎзРнинг солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, улар устувор кучга эга бўлади (Солиқ кодексининг 4-моддаси).

**Камол Музаффаров,**  
«Norma Online» етакчи эксперти.

*Ходим корхонада меҳнат жароҳати олди. Бу корхонада атиги 3 ойлик меҳнат стажига эга. Иш вақтида шикастланганда бир йўла тўланадиган нафақа қандай ҳисоблаб чиқарилади: ўртача ойлик иш ҳақини 12 ойга кўпайтириш йўли биланми ёки 3 ойгами (корхонада ҳақиқатда ишлаган вақтига)?*

**А.С.,**  
юрис.

## Зарарни тўлаш ҳуқуқи

– Ходим соғлиғига етказилган зарар билан боғлиқ ҳолда тўланадиган бир йўла бериладиган нафақа миқдори Ходимларга уларнинг меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда жароҳатланиши, касб касалликларига чалиниши ёки саломатлигининг бошқа хил шикастланиши туфайли етказилган зарарни тўлаш қоидаларига (ВМнинг 11.02.2005 йилдаги 60-сон қарорига 1-илова) мувофиқ белгиланади.

Нафақа миқдори жамоа шартномасида, агар у тузилмаган бўлса – иш бевуви ва касба уюшмаси кўмитаси ёки ходимларнинг бошқа ваколатли органи ўртасидаги битим бўйича аниқланади. Бироқ унинг миқдори жабрланувчининг бир йиллик иш ҳақидан кам бўлмаслиги керак (МКнинг 194-моддаси; Қоидаларнинг 25-банди 2-хатбошици).

Бир йиллик иш ҳақи миқдори Қоидаларнинг 14 ва 15-бандларига мувофиқ ҳисобланган ўртача ойлик иш ҳақини 12 га кўпайтириш йўли билан аниқланади.

Бунда жабрланувчи зарар етказилган вақтда 12 ойдан кам ишлаган тақдирда, ўртача ойлик иш ҳақи ҳақиқатда ишлаган умумий иш ҳақини ишлаган ойлари сонига бўлиш йўли билан ҳисоблаб чиқарилади (Қоидаларнинг 15-банди 1-хатбошици).

Шу тариқа, Қоидаларда ходим ушбу корхонада бир йилдан кам ишлаган ҳолда ҳам зарар тўланиши зарурати белгиланган. Бунда уларда бир йўла тўланадиган нафақанинг энг кам миқдори – жабрланувчининг бир йиллик иш ҳақини камайитириш назарда тутилмаган.

Бинобарин, 3 ойлик стажга эга бўлган жабрланган ходим учун бир йўла тўланадиган нафақа ўртача ойлик иш ҳақини 12 га кўпайтириш йўли билан ҳисоблаб чиқарилади.

*Масалан, ходимга 3 ой давомида ишга қабул қилинган пайтдан бошлаб меҳнат жароҳати олгунча 500 миң сўм маош ҳисобланган. Бошқа тўловлар бўлмаганда бир йўла тўланадиган нафақанинг энг кам миқдори 6 млн сўмни (12 x 500) ташкил этади.*

**Эркин Ҳосилов,**  
«Norma Online» етакчи эксперти.

*Давлат органлари ва ташкилотларининг юридик хизмати тўғрисидаги низомда белгиланишича, юридик хизмат талабнома-даъво тартибида давлат органи ва ташкилоти фойдасига ундирилган сумманинг 5%, бироқ энг кам ойлик иш ҳақининг 50 баробаридан кўп бўлмаган миқдорда мукофот олиш ҳуқуқига эга.*

**1. Давлат органи ва ташкилоти фойдасига ундирилган сумма деганда қандай сумма тушунилади – суднинг ҳал қилув қарори билан ҳукм қилинган суммани ёки ташкилотнинг ҳисоб-китоб счётига тушган суммани?**

**2. Мукофот суммасини ҳисоблашда жавобгардан даъвогар фойдасига ундирилган суд ҳаражатлари суммаси (давлат божи ва почта харажатлари) инобатга олинадими?**

**Х.Отабоева,**  
бош бухгалтер.

**1** Давлат органлари ва ташкилотларининг юридик хизмати тўғрисидаги низом (19.01.2017 йилдаги ПҚ-2733-сон қарорга 1-илова) давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятида қонунийликни янада мустаҳкамлаш, демократик ва ҳуқуқий ислохотларни амалга оширишда юридик хизматларнинг роли ва жавобгарлигини изчиллик билан кучайтириш мақсадида қабул қилинган. Ҳужжатнинг умумий моҳиятига

кўра, юридик хизмат давлат органлари ишининг самарадорлигини оширишга замин яратувчи ҳуқуқий вазифаларни бажариши лозим. Юридик хизмат бажарилган вазифалар орасида дебиторлик қарзини ундиришга йўналтирилган талабнома-даъво иши алоҳида ўрин эгаллайди.

Низомда белгиланишича, юридик хизмат ходимлари ҳар чоракда **давлат органи ва ташкилоти фойдасига**

## Мукофотни ҳисоблашда

ундирилган сумманинг 5%, бироқ ЭКИХнинг 50 баробаридан кўп бўлмаган миқдорда мукофот олишга ҳақиқ (ПҚ-2733-сон қарорнинг 3-банди; Низомнинг 18-банди).

Хўжалик судининг ҳал қилув қарорига кўра давлат органига ҳукм қилинган сумма билан давлат органининг ҳисоб-китоб счётига амалда тушган суммани фарқлаш зарур. Гарчи давлат органи фойдасига қарз суммасини ундириш ҳақида суднинг ҳал қилув қарори чиқарилган ва ижро ҳужжати берилган бўлса ҳам, қарздорда қарзни қоплаш учун пул маблағлари бўлмаслиги (ёки етарли бўлмаслиги) мумкин. Бу ҳолда давлат органи, айтилик, ундирувчи қарздорнинг мол-мулкига, агар бўлса, қаратиш учун суд ижрочисига мурожаат қилишга («Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Қонуннинг 47–57-моддалари) ёки мажбурий ундирув

юзасидан бошқа хатти-ҳаракатларни амалга оширишга мажбур бўлади. Тегишсинча, қарз суммасининг давлат органи счётига тушиши яна муайян даврга ушланиб қолади. Қарздор банкрот деб тан олинб, давлат органи пул олмаслиги ҳам мумкин. Бундай ҳолатларнинг юзасига келиши давлат органи юридик хизмат ходимига мукофот тўлай олиши учун унда пул маблағлари бўлмаслигини аниқлатади.

Бунинг устига, суднинг ҳал қилув қарори билан ҳукм қилинган, бироқ давлат органи счётига тушмаган суммадан мукофот тўланса, бу давлат органининг ҳаражати ҳисобланади. Аслида бюджет ташкилоти ва Давлат бюджети ҳисобидан маблағ олувчиларнинг ҳаражатлари бюджетдан ажратиладиган маблағлар доирасида ва уларнинг ҳаражатлар сметаларида кўрсатилган мақсадларда амалга оширилади. Агар қўшимча ҳаражатларга

## Кўчма савдога рухсатнома

Янги ташкил этилган корхона ҳокимликда тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш фаолият тури билан рўйхатдан ўтган. Спорт ташкилотининг илтимосига кўра мусобақалар ўтказилаётган пайтда брэндимиз тасвирланган кийим-кечакларни савдога (терминал бўйича) кўямиз. Савдо (тургун) шохобчасига эга эмасмиз, касса аппарати офис жойлашган жойда (юрлик манзил бўйича) рўйхатдан ўтказилади. Пул маблағларини мустақил равишда топшириш шартномасини тузиш учун банкка мурожаат қилдик, сабаби тушум мунтазам эмас, фақат мусобақалар ўтказиш пайтида тушади. Бироқ банк бизга рад жавоби берди.

1. Тургун савдо шохобчасисиз ҳокимликда чакана савдога рухсатнома олиш мажбурийми?
2. Бунда инкассация шартномасини тузиш зарурми ёки тушумни ўзимиз топширишимиз мумкинми?

Ш. Саидова.

1 Савол моҳиятидан келиб чиқишича, корхона чакана савдо фаолиятини амалга оширади (ВМнинг 26.11.2002 йилдаги 407-сон қарори билан тасдиқланган Низомнинг 2-банди). Сиз чакана сотишни фақат тургун савдо шохобчаси ёки кўчма савдо объекти орқали, назорат-касса машинасини мажбурий қўллаган ҳолда амалга оширишга ҳақлисиз<sup>1</sup> (Низомнинг 19-банди).

Агар товарни чакана савдо шохобчасидан ташқарида сотмоқчи бўлсангиз, кўчма савдога рухсатнома олиш зарур. Уни туман ҳокимлиги тегишли туманнинг «ягона дарча» маркази орқали беради. Шунинг қайд этиб ўтамизки, ҳокимлик ҳар йили кўчма савдо орқали сотилиши мумкин бўлган товарларнинг рўйхатини тасдиқлайди. Ушбу рўйхат «ягона дарча» марказларида, Интерактив давлат хизматлари ягона порталида ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг расмий веб-сайтларида жойлаш-

тирилади (ВМнинг 13.07.2016 йилдаги 233-сон қарори билан тасдиқланган Низомнинг 7–9-бандлари). Агар товарнинг рўйхатга киритилмаган бўлса, уни кўчма савдо объекти орқали сота олмайсиз. Бинобарин, товарни чакана сотишингиз учун тургун савдо шохобчасига эга бўлишингиз зарур.

2 ЭКИХнинг 20 барабаридан кам миқдордаги<sup>2</sup> ҳар кунлик нақд пул тушумига эга бўлган кичик бизнес субъектлари уни Марказий банкнинг инкассация хизматлари орқали ёки банкларнинг кундузги ва кечки кассаларига мустақил равишда топшириш ҳуқуқига эга. Агар ҳар кунлик нақд тушум ушбу лимитдан ортқ бўлса, уни фақат инкассация хизмати орқали топшириш зарур (ВМнинг 11.12.1997 йилдаги 548-сон қарорининг 1-банди; АВ томонидан 27.06.2008 йилда 1831-сон билан рўйхатдан ўтказилган Йўриқноманинг 364-банди).



<sup>1</sup>Музқаймоқ ва яхна ичимликлар билан кўчма савдо; электрон тижорат шаклидаги чакана реализация бундан мустасно.

<sup>2</sup>Республикамизда 1.01.2017 йилдаги ҳолатга кўра белгиланган энг кам иш ҳақи миқдори 149 775 сўмни ташкил этади.



## Ўзаро талабларни ҳисобга ўтказиш

«А» корхонаси молиявий қарз шартномасига кўра «Б» корхонасидан пул маблағлари олди. Шартнома муддати тузгандан «А» корхонаси пул маблағларини қайтара олмайди. У «В» корхонасининг устав фондидаги улушини шартнома бўйича «Б» корхонасига сотиб ва ушбу битимни нотариал расмийлаштириб, қарз маблағларини қайтарди. Барча корхоналар ЯСТ тўлоғи ҳисобланади.

«А» корхонасининг молиявий қарз шартномасига кўра қарзи «В» корхонасига ўтдими ёки кўрсатилган битим амалга оширилгани оқибатида ушбу қарз қопландими?

Е.Коровина.

– «А» корхонасининг «Б» корхонаси олдидаги қарзи «В» корхонасига ўтиши учун қарз юзага келишига сабабчи бўлган шартнома тузилган шаклда қарзни бошқа шахсга ўтказиш битимини тузиш зарур. Қарзни бошқа шахсга ўтказиш учун кредиторнинг розилигини олиш лозим (ФКнинг 322-моддаси).

Сизнинг ҳолатда «А» корхонаси «Б» корхонасига «В» корхонаси устав фондидаги улушини сотган. Шу тариқа, «Б» корхонасида «А» корхонаси олдида қарз юзага келган. Бу «А» ва «Б» корхоналари иккита шартнома асосида бир-бирига қарздор эканлигини англатади. Бундай вазиятда «А» ва «Б» корхоналари қарзларни ўзаро ҳисобга ўтказиш тўғрисида битим, агар шартномада бундай битимни тузиш тақиқланмаган бўлса, тузишлари мумкин (ФКнинг 343-моддаси). Бунинг учун би-

тимда томонлар бир-бирларига қанча суммага ва қандай шартнома асосида қарздор эканликлари аниқ белгиланиши ва ушбу сумма ҳисобга ўтказилиши зарур.

Масалан, «А» корхонаси қарз шартномасига кўра «Б» корхонасига 30 млн сўм қарз. Улушни сотиш шартномасига биноан «Б» корхонаси «А» корхонасига 45 млн сўм қарз. Томонлар қарзларни ҳисобга ўтказадилар, унинг якунларига кўра «А» корхонаси ҳеч қандай қарзга эга эмас, «Б» корхонаси эса «А» корхонасига 15 млн сўм тўлаши керак.

Ушбу ахборот ва қоплаш шартлари ўзаро ҳисобга ўтказиш тўғрисидаги битимда акс эттирилади.

## суд харажатлари инобатга олинмайди

зарурат юзага келса, сметага ўзгартиришлар киритиш лозим (АВ томонидан 15.12.2014 йилда 2634-сон билан рўйхатдан ўтказилган Низомнинг 1, 6-бандлари).

Низом ҳўжалик бошқаруви органлари ва давлат унитар корхоналарига ҳам татбиқ этилади. Чунинчи, улар счётларига тушган қарз суммасидан эмас, балки ўз маблағлари ҳисобидан

мукофот тўласалар, бу ҳам «давлат корхонаси фойдасига ундирилган сумма» тушунчасига мос келмайди.

Юқорида айтилганларга асосланиб, давлат органи ва ташкилоти фойдасига ундирилган сумма деганда суднинг ҳал қилув қарори ва ижро ҳужжатига мувофиқ давлат органининг ҳисоб-китоб счётига тушган сумма тушунилади деб ҳисоблаймиз.

2 Суд харажатлари давлат божидан ва ишни кўриш билан боғлиқ чикимлардан: почта харажатларидан, экспертизани ўтказиш, гувоҳни қақариш, далилларни ўз жойида кўздан кечириш учун экспертларга тўланиши керак бўлган сумма, суд мажлиси-

ни видеоконференцалоқа режимида ўтказиш билан боғлиқ харажатлар ва бошқа харажатлардан ташкил топди (ХПКнинг 90-моддаси). Шу тариқа, суд харажатлари – даъвогар суд унинг ишини белгиланган процессуал тартибда кўриб чиқиши учун киритган тўлов\*.

Улар ишда иштирок этувчи шахсларга қаноатлантирилган даъво талаблари миқдorigа мутаносиб равишда юкланади (ХПКнинг 95-моддаси 2-қисми). Яъни суд даъвогарнинг даъво талабларини тўлиқ қондирган бўлса, у қилган суд харажатлари даъвогар фойдасига жавобгардан ундирилади.

Даъвогар тўлашдан озод қилинган давлат божи, агар жавобгар бож тўлашдан озод қилинмаган бўлса, қаноатлантирилган даъво талаблари миқдorigа мутаносиб равишда жавобгардан республика бюджети даромадига ундирилади (ХПКнинг 95-моддаси 2-қисми).

Бинобарин, суд харажатлари суммаси – жавобгарнинг даъвогар олдидаги қарз суммаси эмас, балки бюджет олдидаги қарз суммасидир.

Шу муносабат билан суднинг ҳал

қилув қарорига биноан даъвогар фойдасига жавобгардан ундирилган суд харажатлари суммаси мукофот миқдorigа аниқланадиган суммага қўшилмаслиги керак деб ҳисоблаймиз.

Юзага келадиган турлича талқинларни бартараф этиш учун Низомга қонун ҳужжатлари даражасида ўзгартиришлар киритиш ва қуйидаги жиҳатларга оидинлик киритиш мақсадида мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

1) суднинг ҳал қилув қарорига биноан давлат органи ва ташкилоти фойдасига ҳақиқатда ундирилган суммадан мукофот тўланишини кўрсатиш;

2) қарз суммаси қарздорга талабнома юборилиши натижасида давлат органи счётига тушган, яъни қарз низони судгача ҳал этиш тартибидан сўндирилган вазиятни тушунтириш.

\*Солиқ кодексининг 330-моддасида кўрсатилган давлат органлари ва ташкилотлари ҳўжалик судига ариза беришда давлат божини тўлашдан озод қилинган.

1. Йиллик дивидендларни олиш ҳуқуқига эга бўлган шахсларнинг рўйхати қачон тузилади?
2. Дивидендлар тўлаши ҳақидаги маълумотлар қайси муддатда эълон қилинади?

Замира,  
бухгалтер.

**1** Дивидендларни олиш ҳуқуқига эга бўлган шахсларнинг оралиқ ва (ёки) йиллик рўйхатлари илгари эски тахрирдаги «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 56-моддаси 3-қисми билан назарда тутилган эди (26.09.2008 йилдаги ЎРҚ-183-сон Қонун билан чиқариб ташланган). Унда бундай рўйхатни дивидендларнинг ҳар бир тўлови учун акциядорлик жамиятининг кузатув кенгаши (КК) тузиши айтилган. Оралиқ дивидендларни олиш ҳуқуқига эга бўлган шахсларнинг рўйхатига КК дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилган кундан камида 30 кун олдин АЖ акциядорлари реестрига<sup>1</sup> киритилган акциядорлар ва акцияларнинг номинал сақловчилари киритилиши лозим эди. Йиллик дивидендлар олиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар рўйхатига – акциядорларнинг умумий йиллик йиғилишида қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар рўйхати тузиладиган кунгача реестрга киритилган акциядорлар ва акцияларнинг номинал сақловчилари киритилган.

Амалдаги АЖ тўғрисидаги Қонунда дивидендлар (оралиқ ёки йиллик – аҳамияти йўқ) олиш ҳуқуқига эга бўлган шахсларнинг рўйхатлари тўғрисида ҳеч нима дейилмаган. Айти пайтда унда акциядорларга дивидендларни тўлаш тўғрисида қарор қабул қилинган акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш учун шакллантирилган реестрда қайд этилган шахслар акциялар бўйича дивиденд олиш ҳуқуқига эгаллиги назарда тутилган (52-модда). Бошқача

айтганда, уларни ушбу даромадларни тўлашга қарор қилган йиғилишни ўтказиш учун шакллантирилган реестрга киритилган акциядорлар олади. Акциядорнинг йиғилишда иштирок этиши, дивидендлар олиши реестр асосида амалга оширилиши АЖ тўғрисидаги Қонуннинг 42-моддаси 4-қисмида кўрсатилган. Демак, дивидендлар олиш ҳуқуқидан фойдаланмоқчи бўлган акциядор учун уларни тўлаш тўғрисида қарор қабул қилиниши санасидан олдин реестрга киритилиш вақти катта аҳамиятга эга.

**АЖ кўрсатилган реестрни шакллантириш тўғрисидаги топшириқномани МДга<sup>2</sup> йиғилишни ўтказиш тўғрисидаги қарор қабул қилинган санадан<sup>3</sup> 3 иш кунидан кечиктирмасдан юбореди.** Реестрни



шакллантириш тартиби Акциялар эгалари реестри ва корпоратив облигациялар эгалари реестри тўғрисидаги низом (АВ томонидан 25.02.2009 йилда 1911-со. билан рўйхатдан ўтказилган) билан белгиланган.

Топшириқнома, бошқа маълумотлар билан бир қаторда, йиғилишни ўтказиш санаси, унинг йиллик ёки навбатдан ташқари эканлиги тўғрисидаги кўрсатма, йиғилишни ўтказиш тўғрисида хабардор қилиш учун реестрни шакллантириш санаси, йиғилишда қатнашиш ҳуқуқига эга акциядорларнинг реестрини шакллантириш санасини ўз ичига олиши лозим (Низомнинг 20-банди). Реестр уни ўтказиш санасидан 3 иш кун олдин шакллантирилади (АЖ тўғрисидаги Қонуннинг 61-моддаси 1-қисми; Низомнинг 28-банди 3-хатбошиси).

Қолган таомилларни МД муайян АЖнинг бошқа қимматли қоғозларни номинал сақловчиларнинг<sup>4</sup> ахборот кўмағида бажариши керак бўлади.

**МИСОЛ.** 3.02.2017 йилда (жума) 5 кунлик иш ҳафтаси белгиланган АЖ кузатув кенгаши 23.02.2017 йилда (пайшанба) йиллик йиғилишни чақиритиш тўғрисида қарор қабул қилди. Бунинг учун реестрни шакллантириш тўғрисидаги топшириқнома МДга ушбу қарор қабул қилинганидан кейин 3-иш кунда – 8.02.2017 йилда (chorshanba) юборилди. Реестрни шакллантириш санаси 20.02.2017 йилда (душанба) тўғри келади. Бу топшириқномада кўрсатилади.

**2** Дивидендлар тўлаши ҳақидаги маълумотлар йиғилиш бу ҳақда қарор қабул қилган кундан бошлаб 2 иш кун давомида эълон қилинади.

АЖ тўланадиган дивидендлар миқдори тўғрисидаги маълумотларни қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органининг<sup>5</sup> веб-сайтида ва ўз веб-сайтида қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда эълон қилади (АЖ тўғрисидаги Қонуннинг 55-моддаси). АЖ эмитент сифатида ахборотни эмитентнинг фаолиятидаги муҳим фактлар тўғрисидаги хабарларда ошкор қилади («Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги Қонуннинг 44-моддаси 1-қисми 4-хатбошиси).

Маълумки, дивидендларни тўлаш йиғилиш – эмитентнинг юқори бошқарув органи қарори асосида амалга оширилади. Бундай орган қабул қилган қарорлар эса АЖ фаолиятидаги муҳим фактларга киради («Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги Қонуннинг 44-моддаси 5-қисми 4-хатбошиси).

Эмитентнинг фаолиятидаги муҳим факт (сизнинг ҳолатда – дивидендларни тўлаш) ҳақидаги

хабарни у юз берган санадан эътиборан 2 иш кун ичида қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органининг расмий веб-сайтига жойлаштириш йўли билан ошкор қилади («Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги Қонуннинг 44-моддаси 6-қисми «б» кичик банди 5-хатбошиси).

**МИСОЛ.** 23.02.2017 йилда (пайшанба) АЖ йиғилиши дивидендларни тўлаш тўғрисида қарор қабул қилди. Бу ҳолат АЖ фаолиятидаги муҳим факт сифатида баҳоланади. АЖ 2 иш кун ичида тўланадиган дивидендлар миқдори тўғрисидаги маълумотларни Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш марказининг веб-сайтида (ва ўзининг сайтида ҳам) жойлаштириш шарт. Бу маълумотлар қарор қабул қилинган кунда, эртаси кун (жума) ёки шу оғнинг 27-санасида (душанба) жойлаштирилиши мумкин.

Тўланадиган дивидендлар ва уларнинг миқдори тўғрисидаги маълумотларни эълон қилиш муддатини белгилашда юзага келувчи қийинчиликларнинг олдини олиш учун АЖ тўғрисидаги Қонуннинг 55-моддасига тўлатишлар киритиш мақсадга мувофиқ; «қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда» сўзларини аниқлаштириб, «дивидендларни тўлаш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан бошлаб икки иш кун ичида» сўзлари билан алмаштириш керак.

**Камол Музаффаров,**  
«Norma Online» етакчи эксперти.

Реклама ва эълонлар

<sup>1</sup>Реестр – рўйхатдан ўтказилган акциялар эгаларининг белгиланган санадаги ҳолатга кўра шакллантирилган, уларга тегишли акцияларнинг номи, сони, номинал қиймати ва тури, шунингдек реестрда рўйхатдан ўтказилган шахсларга ахборотни юбориш имкониятини берадиган маълумотлар кўрсатилган рўйхати (6.05.2014 йилда кучга кирган янги тахрирдаги АЖ тўғрисидаги Қонуннинг 42-моддаси 1-қисми).

<sup>2</sup>МД – қимматли қоғозлар эгаларининг депо ҳисобварақлари ҳолатига кўра марказий рўйхатдан ўтказувчи вазиносини бажарувчи Қимматли қоғозларнинг марказий депозитарийси (АЖ тўғрисидаги Қонуннинг 42-моддаси 2-қисми).

<sup>3</sup>Бундай қарорни АЖ КК қабул қилади (АЖ тўғрисидаги Қонуннинг 58-моддаси 6-қисми, 64-моддаси 1-қисми, 75-моддаси 1-қисми 3-хатбошиси).

<sup>4</sup>Қимматли қоғозларнинг номинал сақловчилари МД ва (ёки) инвестиция воситачиларидир (АЖ тўғрисидаги Қонуннинг 46-моддаси). Номинал сақловчи қимматли қоғозларнинг эгаси бўлмаган ҳолда қимматли қоғозлар эгасининг ёки у вакил қилган шахснинг топшириғига биноан уларни сақлаш, ҳисобга олиш ва уларга бўлган ҳуқуқларни тасдиқлашни амалга оширади (Низомнинг 1-банди 3-хатбошиси).

<sup>5</sup>У Давлат рақобат қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш марказидир (Низомнинг 1-банди 12-хатбошиси).

Ўзбекистон  
Республикаси  
қонунчилиги

[www.norma.uz](http://www.norma.uz)

«КИЧИК КОРХОНА  
ЭЛЕКТРОН БУХГАЛТЕРИ»

Ўзбек тилидаги қўлланмасини тақдим этишимиз

Тошкент ш., Миробол тумани, Тақлимаржон кўч., 1/1.  
Тел.: (998 71) 200-00-90. E-mail: office@norma.uz, web: www.norma.uz

ХИЗМАТЛАР

Ташкилотлар учун компьютер ва маиший техникани ҳисобдан чиқариш учун ҳужжатларни тайёрлаш. Тўлов – исталган шаклда.  
Тел.: 236-76-46, 233-74-95, 233-17-56.

Иш ҳужжатларини муқовалаш. Тел.:  
(+998 93) 556-61-31, (+998 90) 189-28-09.

Қурилиш ташкилоти (штатида 13 киши) том ёпиш ва арматура иншоотларини кўтариш билан шугулланади. Қурилиш ташкилоти ходимларни касбга лаёқатлилиги борасида тиббий кўрикдан ўтказиш шартми? Агар шарт бўлса, бунни қайси муддатларда қилиш ва тиббий кўрикдан ўтказиш учун қаерга муурожаат қилиш зарур?

И.Доркина.

## Тиббий кўрик: иш берувчи ва ходимнинг мажбуриятлари



– Ҳа, шарт.

Меҳнат кодексида иш берувчи дастлабки тарзда (меҳнат шартномаси тузиш чоғида) ва вақти-вақти билан (иш давомида) тиббий кўрикдан ўтказишни ташкил қилиш шарт бўлган ходимлар тоифаси кўрсатилган. Бундай ходимларга қуйидагилар қиради:

- > 18 ёшга тўлмаганлар;
- > 60 ёшга тўлган эрақлар, 55 ёшга тўлган аёллар;
- > ногиронлар;
- > меҳнат шариоити ноқулай ишларда, тунги ишларда, шунингдек транспорт ҳаракати билан боғлиқ ишларда банд бўлганлар;

> озиқ-овқат саноатида, савдо ва бевосита аҳолига хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бўлган бошқа тармоқлардаги ишларда банд бўлганлар;

> умумтаълим мактаблари, мактабгача тарбия ва бошқа муассасаларнинг бевосита болаларга таълим ёки тарбия бериш билан машғул бўлган педагог ва бошқа ходимлари.

Меҳнат шариоити ноқулай ишлар ва бажарилаётганида дастлабки тарзда ва вақти-вақти билан тиббий кўрикдан ўтказилиши лозим бўлган бошқа ишларнинг рўйхати ва уларни ўтказиш тартиби Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланади.

МКнинг 214-моддаси 1-қисмида кўрсатилган ходимлар тиббий кўриклардан ўтишдан бўйин товлашга ҳақли эмаслар. Ушбу талаб бузилганда ёки тиббий комиссияларнинг текширувлар натижасида берган тавсиялари бажарилмаганда иш берувчи уларни ишга қўймасликка ҳақлидир (МКнинг 214-моддаси).

Тиббий кўриклар юқумли ва пара-

зитар касалликлар келиб чиқиши ва тарқалишига йўл қўймаслик, шунингдек касб касалликлари, захарлинишлар ва бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш мақсадида ўтказилади.

Баландликда ишлаш меҳнат шариоити ноқулай иш ҳисобланади. Уларга ер, том тўсини ёки ишчи тўшамас юзасидан 1,5 м ва ундан баландликда нарвонлар, нарвончалар, сулалар, майдончалар, машиналар ва бошқа ёрдамчи ускуналарнинг истида туриб бажариладиган ишлар қиради (АВ томонидан 29.08.2012 йилда 2387-сон билан рўйхатдан ўтказилган Низомга 2-қисми).

Бинобарин, бу турдаги ишларни бажарувчи ходимлар дастлабки тарзда (ишга қабул қилиш чоғида) ва вақти-вақти билан (иш давомида) 2 йилда 1 марта тиббий кўриклардан ўтишлари шарт. Улар ташкилотга тиббиёт хизмати кўрсатувчи даволаш-профилактика муассасалари томонидан, агар улар бўлмаса, ташкилот жойлашган жойдаги ҳудудий даволаш-профилактика муассасаси томонидан ўтказилади.

Вақти-вақти билан ўтказиладиган тиббий кўриклар Санитария, гигиена ва касб касалликлари институти ҳамда Тошкент тиббиёт академиясининг тегишли клиникаларида ҳам ўтказилиши мумкин (Низомнинг 5-банди).

Вақти-вақти билан ўтказиладиган тиббий кўриклар иш давомида ўтказилади. Уларни ўтказиш пайтида ходимнинг иш жойи (лавозими) ва ўртача иш ҳақи сақланади (Низомнинг 6, 7-бандлари).

Жамолиддин Вақосов,  
«Norma Online» эксперти.

## Ходимни вақтинча ишга оламиз

Ходим давлат корхонасида ҳомиладорлик ва туғиш бўйича меҳнатга лаёқатсизлик варақасини тақдим этди.

1. Ходимнинг ҳомиладорлик ва туғиш таътили (МКнинг 233-моддаси) давридаги жойи бўш ҳисобланадими?
2. Ҳомиладорлик ва туғиш таътилида бўлган ходим ўрнига янги ходимни қабул қилиш мумкинми?

М.Ембергенов.

1 Йўқ, ҳисобланмайди. Ҳомиладорлик ва туғиш таътилида бўлган ходимнинг лавозими бўш ҳисобланмайди, сабаби ушбу таътил ва боласи 2 ва 3 ёшга тўлгунга қадар уни парваришlash учун таътиллар даврида аёлнинг иш жойи (лавозими) сақланади (МКнинг 233-моддаси, 234-моддаси 5-қисми).

Ушбу кафолат ҳомиладор аёллар ва 3 ёшга тўлмаган боласи бор аёллар билан тузилган меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилишга йўл қўйилмаслиги билан мустаҳкамланади, корхонанинг бутунлай тугатилиш ҳоллари бундан мустасно, бундай ҳолларда меҳнат шартномаси уларни албатта ишга жойлаштириш шартли билан бекор қилинади (МКнинг 237-моддаси 1-қисми).

2 Ҳа, ходим йўқлиги даврида янги ходим билан муддатли меҳнат шартномасини тузиш мумкин. Бироқ иш жойи (лавозими) сақланиши лозим бўлган ходимнинг ишда бўлмаган вақтига мўлжаллаб тузилган меҳнат шартномаси шу ходим ишга қайтган кундан эътиборан бекор қилинади (МКнинг 105-моддаси 3-қисми).



Шунингдек меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ва бошқа норматив ҳужжатлар иш берувчи билан меҳнат шартномасини тузган барча ходимларга татбиқ этилади. Бинобарин, Меҳнат кодекси, қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатлар барча иш берувчилар (юримдик ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда 18 ёшга тўлган жисмоний шахслар, Вазирлар Маҳкамаси белгиланган тартибдаги ходимларни ёлловчи яқка тартибдаги тадбиркорлар) учун, уларнинг ташкилий-ҳуқуқий шакллари ва мулкчилик шаклларида қатъи назар, Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида қўллаш учун мажбурий ҳисобланади (МКнинг 1-моддаси 3-қисми).

## Декрет стажи – 3 йилдан ортиқ эмас

Ходим боласи 2 ёшга тўлгунга қадар уни парваришlash таътилида бўлган пайтда иккинчи болага ҳомиладорлик ва туғиш бўйича касаллик варақасини тақдим этди.

Ходимнинг болани парваришlash таътилида бўлиши меҳнат фаолиятидаги танаффус ҳисобланадими?

Н.Каширина.

– Йўқ, ҳисобланмайди, сабаби болани парваришlash таътиллари даврида аёлнинг иш жойи (лавозими) сақланади.

Бу таътиллар меҳнат стажига, лекин ҳаммасини жамлаганда кўпи билан 3 йил, шу жумладан мутахассислиги бўйича иш стажига ҳам қўшилади (МКнинг 234-моддаси 5-қисми).

Масалан, агар меҳнат даф-

тарчасидаги ёзувларга кўра умумий меҳнат стажи, шу жумладан 2 нафар фарзандни парваришlash таътилида бўлган 5 йилни ҳисобга олган ҳолда 38 йилни ташкил этган бўлса, пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун умумий стаж 36 йилни (38 – 5 + 3) ташкил этади. Яъни бу ҳолда Пенсия жамғармаси бўлими 2 йилни чиқариб ташлайди.



Абдусалом Рискўллаев, «Norma Online» етакчи эксперти.

Реклама ва эълон

**«СОЛИКЛАР: САВОЛЛАР ВА ЖАВОБЛАР»**

Ўзбек тилидаги қўлланмасини тақдим этамиз

Тошкент ш. Миробот тумани, Талтимаржон кўчи, 11-б-қават.  
Тел.: (998 71) 283-24-05, 283-36-34. E-mail: info@norma.uz, web: www.norma.uz

**ЖАВОБ БЕРАМИЗ**

лойиҳаси доирасида «СБХ» ва «Норма маслаҳатчи» газеталари комплекти обуначилари ҳамда «Norma» дастурий маҳсулотларидан фойдаланувчилар

**200-00-59** телефон орқали  
(шаҳарлараро кўнжироқлар учун кодлар: уқли телефондан +99871, стационар телефондан 8371) солиқ солиши ва бухгалтерия масалалари юзасидан саволларига экспертларимиздан жавоб олишлари мумкин. Ҳафтаининг 5 кунли давомида соат 10,00 дан 17,00 гача. Тузиллик вақти соат 13,00 дан 14,00 гача.

## Ўриндошни ўтказиш: расмийлаштириш вариантлари

Компаниямизда ўриндош ходим ишлайди. 2017 йил 1 майдан ўриндошлик асосидаги ишдан шу лавозимдаги асосий ишга ўтказилади. Ходим ўриндошлик асосидаги меҳнат шартномаси бекор қилинишини ва фойдаланилмаган таътил учун компенсация тўланишини расмийлаштиришдан бош тортмоқда.

Меҳнат шартномасига қўшимча битимни ва ўриндошни асосий ишга ўтказишга буйруқни, шунингдек меҳнат дафтарчасига ёзувни қандай қилиб тўғри расмийлаштириш мумкин?

О.Сальникова.

– Мазкур таомил ўтказиш эмас, балки ходимнинг меҳнат шартларини ўзгартириш ҳисобланади (МКнинг 88-моддаси), шу сабабли уни ўтказиш тўғрисидаги буйруқ билан расмийлаштириш мумкин эмас.

Ўриндошлик асосида ишловчи ходимни, агар у асосий ходим бўлган аввалги ташкилотдаги меҳнат муносабатлари 2017 йил 28 апрелдан бекор қилинса (2017 йил 29 ва 30 апрель – дам олиш кунлари), 2017 йил 1 майдан асосий ишга расмийлаштириш мумкин. Меҳнат дафтарчасидаги ёзув бунинг тасдиғи бўлади. Ходимга аввал-

ги асосий иш жойида у ерда меҳнат шартномаси бекор қилингунча меҳнат дафтарчасига ташкилотингизда ўриндошлик асосида ишлаши тўғрисида ёзув киритишлари шартлигини эслатинг. Унинг ёзма аризаси ва сиз берган ўриндошлик асосида ишга қабул қилиш тўғрисидаги буйруқ нусхаси асос ҳисобланади.

Ўриндошлик асосида ишлаган ходимни асосий иш жойига расмийлаштираётган ташкилот барча хатти-ҳаракатларни МКнинг 96-моддаси 7-хатбошисига мувофиқ амалга оширади.

### I вариант

1-қадам. Ходим билан меҳнат шартномасига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилиши тўғрисида битим тузинг. Унда меҳнат шартномаси 2017 йил 1 майдан бошлаб асосий

иш жойи бўйича шартнома ҳисобланишини, шунингдек ходимнинг меҳнат шартномасидаги иш вақти режими, меҳнатга ҳақ тўлаш миқдори, бошқа шартлар ўзгаришини кўрсатинг.

«\_\_\_\_\_ 201\_\_ йилдаги

\_\_\_\_-сон меҳнат шартномаси шартларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги \_\_\_\_\_-сон БИТИМ

2017 йил 1 май

Тошкент ш.

Иш берувчи \_\_\_\_\_ МЧЖ директор \_\_\_\_\_ тимсолида ва ходим **Мавлонова Барно Эргашевна**, биргаликда «Томонлар» деб номланади, қуйидагилар ҳақида битимга келдилар:

1. Томонлар 201\_\_ йилдаги \_\_\_\_\_-сон меҳнат шартномаси (бундан кейин – Меҳнат шартномаси) шартларини ўзгартириш тўғрисида битимга келдилар.

2. Мазкур қўшимча Битимнинг 1-бандига мувофиқ Томонлар Меҳнат шартномасига қуйидаги ўзгартиришларни киритди:

2.1. Меҳнат шартномасининг 3-банди қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«3. Шартнома тўлиқ ставкадаги асосий иш жойи бўйича шартнома ҳисобланади».

2.2. Меҳнат шартномасининг 8.8-банди қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«8.8. Корхонанинг штат жадвалига кўра лавозим маошининг 100% миқдориди ойлик иш ҳақи тўлансин. Бунда ушбу иш ҳақи миқдори туғал белгиланмайди, иш берувчининг молиявий ҳолати, Ўзбекистон Республикаси давлат бошқаруви органлари қарорларига қараб ошиши томонга қараб ўзгариши мумкин».


2.3. Меҳнат шартномасининг 9-банди қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«9. Иш кун режими: беш кунлик иш ҳафтасида 8 соатлик иш кун».

3. Мазкур Битим 2017 йил 1 майдан кучга киради.

4. Мазкур Битим \_\_\_\_\_ 201\_\_ йилдаги \_\_\_\_\_-сон Меҳнат шартномасининг таркибий қисми ҳисобланади ва кўрсатилган Меҳнат шартномаси тақдим этилмаганда юридик кучга эга бўлмайди.

5. Мазкур Битим Томонларнинг ҳар бири учун 2 нусхада тузилди».



2-қадам. Ўриндош асосий ходим бўлиши ҳақида буйруқни расмийлаштиринг. Бу ҳолда тахминан шундай буйруқ тузишни тавсия этамиз:

«Ўриндошлик асосида ишловчи бухгалтер Мавлонова Барно Эргашевна 2017 йил 1 майдан штат жадвалига кўра лавозим маошининг 100% миқдориди иш ҳақи билан тўлиқ ставкада шу лавозимда асосий иш жойида ишловчи деб ҳисоблансин.

Асос: Мавлонова Б.Э. меҳнат шартномаси шартларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги битим».

### 3-қадам. Меҳнат шартномасига ёзув қайд этинг.

Мураккаб жиҳати шундаки, қонун ҳужжатларида унда меҳнат шартномаси шартлари ўзгариши тўғрисидаги ёзувлар

мавжуд бўлиши назарда тутилмайди. Бироқ асосий иш жойига қабул қилиш тўғрисидаги ёзув албатта киритилиши керак.

Т/р	Сана			Ишга қабул қилиш, бошқа ишга ўтказиш ва меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисидаги маълумотлар	Ёзув киритилишига асос (ҳужжат, унинг санаси ва рақами)
	йил	кун	ой		
				«Тўлиқ» масъулияти чекланган жамияти	
1	2015	04	01	Бош бухгалтер лавозимига қабул қилинди	04.01.2015 йилдаги 1-к-сон буйруқ
2*	2016	17	04	«Иш» хусусий корхонасига бухгалтер лавозимига ўриндошлик асосида қабул қилинди	17.04.2016 йилдаги 77-сон буйруқ
3	2017	28	04	Меҳнат шартномаси бекор қилинди	25.04.2017 йилдаги 52-к-сон буйруқ
				«Иш» хусусий корхонаси	
4*	2017	01	05	Бухгалтер лавозимига қабул қилинди	01.05.2017 йилдаги 58-сон буйруқ

\*Корхонадаги ўриндошлик асосидаги ишни, кейин – асосий иш жойи бўйича ишни тасдиқловчи ёзувлар.

Аввалги иш жойида муайян сабабларга кўра меҳнат дафтарчасига ўриндошлик асосида ишга қабул қилиш тўғрисидаги ёзув қайд этилмаган, дейлик. Меҳнат дафтарчасига аввал ташкилотта ўриндошлик асосида, кейин эса – асо-

сий иш жойи бўйича қабул қилинганлиги тўғрисидаги ёзувни қайд этишни тавсия қиламиз. Бу ёзув келгусида ташкилотдаги кўп йиллик ишини ҳисоблаб чиқаришда роль ўйнаши мумкин, бироқ умумий меҳнат стажига таъсир кўрсатмайди.

4-қадам. Ходимнинг Т-2 шаклидаги шахсий карточкасига, корхонанинг штат-лавозим рўйхатига ўзгартиришлар киритинг.

Юқорида кўрсатилгандек расмий-

лаштиришда ходимнинг таътиллар жадвалига мувофиқ иш йилининг ис-талган вақтида навбатдаги меҳнат таъти-лидан фойдаланиш ҳуқуқи сақланади (МКнинг 143-моддаси).

### II вариант

Расмийлаштиришнинг бошқа ва-рианти – иш берувчининг ташаббуси-га кўра (МКнинг 99-моддаси) ёхуд та-рафларнинг келишувига кўра (МКнинг 97-моддаси 1-банди) ўриндош ходим билан меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳам тўғри бўлади. Бундан кей-ин – асосий иш жойи бўйича меҳнат шартномаси тузилади.

Меҳнат шартномаси бекор қилинган-да ходимга фойдаланилмаган таътил-лар учун пуллик компенсация тўланади (МКнинг 151-моддаси).

Янги меҳнат шартномаси расмийлаш-тирилганда ходим янги ишга қабул қи-линган шахс сифатида фақат 6 ой ишла-гандан кейин меҳнат таътилига чиқишга ҳақли бўлади (МКнинг 143-моддаси).

Валерия Ляндрес, кадрлар хизмати ходими.

Иқтисодий-ҳуқуқий газета

**НОРМА МАСЛАХАТЧИ**

ҲУҚУҚ  
СОЛИҚЛАР  
БУХГАЛТЕРИЯ

Бош муҳаррир  
Фарҳод Собирович  
ҚУРБОНБОЕВ

Нашр учун масъул –  
бош муҳаррир  
ўринбосари,  
масъул котиб  
Нодир Носирович  
АЛИМОВ

Адабий муҳаррир  
Зулфия  
Саидмуратовна  
РАҲИМБЕКОВА

Саҳифаловчи  
Наталья  
БАРАНОВА

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:  
100105, Тошкент ш., Миробод тумани,  
Таллимаржон кўч., 1/1,  
Тахририят тел. 200-00-90  
Обуна бўлими тел. 200-00-30  
E-mail: sbx@norma.uz,  
gazeta@norma.uz,  
web: norma.uz

Обуна, газеталар, китоблар,  
газеталарнинг электрон еверсилларини  
отказиб бериш ва харид қилиш масалала-  
ри бўйича 200-00-30;

«Norma» АҚТ бўйича – 200-00-90;  
Рекламини жойлаштириш бўйича  
283-32-31, 283-36-32 телефон рақамларига  
муражаат қилиш мумкин.

Газета ношир – «ТОРПРИНТ» МЧЖнинг компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.  
Нашр курсатқачи – 186. Қўғоз бичими – А3. Ҳажми – 2 бома табоқ. Баҳори келишилган нархда.  
Буюртма 964. Адади 1 150. Газета 2017 йил 15 май соат 20.00 да топширилди.